(1861-йил - Хива - 1936-йил 14-май)

Хоразмда жадидчилик харакатининг йирик намояндаси, ёш хиваликлар партиясининг асосчиси ва давлат арбоби бўлган П. Хожи Юсупов Хива шахрида савдогар оиласида тугилган. Эски мактабда тахсил олгач, савдо ишлари билан шугулланган. У араб, форс, рус тилларини яхши билган. 1904-йили Туркия, Миср, Сурия мамлакатларида ва Макка шахрида бўлган. 1914-йили у жадидларнинг “сўл окими”дан ажралиб чиккан ёш хиваликлар патиясини бошкарди. П. Юсупов 1917-йил 5-апрелда Хива хони Асфандиёрхонга такдим этилган давлат бошкарувида ислохатлар ўтказиш тўгрисидаги манифест муаллифларидан бири эди. Манифестга биноан 1917-йил 8-апрелда Хива хони хузурида мамлакатни янгича бошкариш учун Мажлис тузилади. П. Юсуповга Россия хукумати ва рус кўшинлари билан муносабатларни баркарорлаштириш вазифаси юклатилди. Бирок Асфандиёрхоннинг жадидларга карши сиёсати натижасида Юсупов 1917-йил охиридан бошлаб 2 йил давомида Тошкентда мухожирликда яшади. Турккомиссия мухожирликдаги ёш хиваликлар партиясидан Хива хонлигини агдариб Хоразмда советлар андозасидаги янги хукумат ташкил килишни режалаштиради. 1918-йил бошида Тошкентда мухожир ёш хиваликлардан ташкил килинган Комитет болшевиклар таъсирида эди.
Шу тарика П. Юсупов куйидаги лавозимларда фаолият кўрсатган: болшевиклар таъсиридаги Ёш хиваликлар инкилобий кўмитаси раиси (1918-йил бошидан). Туркистон АССР Миллий ишлар халк комиссарлигида Туркман шўбаси бошлиги (1919). Хива хонлиги агдарилгач (1920-йил 1-феврал), янги ташкил килинган Хоразм Халк Совет Республикаси Нозирлар Шўросининг биринчи раиси (1920-йил 27 апрел - 1921-йил 6 март).
Юсупов ХХСР хукумати раиси сифатида мустакил сиёсат юритиш ва Хоразм Республикасида демократик ислохотларни карор топтириш учун интилган. Бирок Туркистон комиссияси (Турккомиссия) ва Туркистон фронти кўмондонлиги Полвонниёз Хожи Юсуповнинг бу сиёсатига карши чикиб, Хивада янги хукумат тўнтаришини амалга оширишган. Юсупов фаол сиёсий курашдан воз кечганлиги учун кейинчалик болшевиклар томонидан афв килинган ва ХХСРда турли лавозимларда хизмат килган.